



# ИШОНСАН

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ  
1999 йил 30 ноябр, сешанба №170 (817)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА  
ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТЛИГИГА НОМЗОДЛАРНИНГ ТАРЖИМАИ ҲОЛИ

### КАРИМОВ Ислом Абдуганиевич

Ислом Абдуганиевич Каримов 1938 йил 30 январда Самарқанд шаҳрида хизматчи оиласида туғилган. Миллати — ўзбек. Олий маълумоти, Ўрта Осий Политехника ва Тошкент Халқ ҳўжалиги институтларини тугатган. Мухандис-механик ва иқтисодчи мутахассисликларига эга. Меҳнат фаолиятини 1960 йилда Тошкент қишлоқ ҳўжалик машинасозлиги заводида бошлаган.

1961 йилдан 1966 йилгача В. П. Чакалов номидаги Тошкент Авиация ишлаб чиқариш бirlашмасида муҳандис, етакчи муҳандис-конструктор бўлиб ишлади. 1966 йилда Ўзбекистон ССР Давлат план комитетида ишга ўтиб, бош мутахассисликдан республика Давлат план комитети раисининг биринчи ўринбосарига бўлган йўлни босиб ўтди.

1983 йилда И. Каримов Ўзбекистон ССР Молия министри, 1986 йилда Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари, республика Давлат план комитетининг раиси этиб тайинланди.

1986-1989 йиллар мобайнида Қашқадарё вилоят партия комитетининг биринчи котиби, 1989 йилнинг июнидан бошлаб Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи котиби лавозимларида ишлади.

1990 йил 24 март кун Ўзбекистон ССР Олий Кенгашининг сессиясида И. Каримов Ўзбекистон ССР Президенти этиб сайланди.

1991 йил 31 август кун И. Каримов тарихий воқеа — Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллигини эълон қилди.

1991 йил 29 декабрда муқобиллик асосида ўтказилган умумхалқ сайловларида И. Каримов Ўзбекистон Республикаси Президентини этиб сайланди.

1995 йил 26 мартда бўлиб ўтган умумхалқ референдуми якунига кўра, И. Каримовнинг президентлик ваколати 2000 йилга қадар узайтирилди.

У оилали, икки нафар фарзанди, учта набираси бор. Рафиқаси Т. А. Каримова — иқтисодчи, илмий ходим.

И. Каримов суверен ва мустақил Ўзбекистонни барпо этиш, халқлараро демократик ҳуқуқий давлат яратиш, фуқаролар тинчлиги ва миллий тотувлигини таъминлаш ишига қўшган улкан ҳиссаси ҳамда бу борада матонат ва жасорат кўрсатганини унинг «Ўзбекистон Қадрамони» унони, «Мустақиллик» ва Амир Темури ордени билан таъдирланган. Шунингдек, у бир қанча хорижий давлатлар ва нуфузли халқаро ташкилотларнинг орденомдалари билан ҳам муқофотланган.

И. Каримов Ўзбекистон Фанлар академиясининг ҳақиқий аъзоси. Айна вақтда у иқтисод, фан, таълимни ривожлантиришга қўшган улкан ҳиссаси учун тўққиз хорижий мамлакат университет ва академияларининг фахрий фан доктори ҳамда академиклигига сайланган.

Халқимиз истиқлол йилларида эришилган салмоқли ютуқларни ҳақли равишда И. Каримов номи ва фаолияти билан боғлайди.

И. Каримов мамлакатимизда амалга оширилган улкан ишлар, тарихий ўзгаришларнинг ташаббускори ва раҳнамо-сидир.

Ўзбекистон мустақиллигининг асосчиси, мамлакатимизнинг истиқлол дастурини ишлаб чиққан ва миллий тараққий йўлини белгилаб берган атоқли давлат арбоби; — демократик талаблар ва халқаро меъзо-ларга тўла жавоб берадиган Ўзбеки-

тон Республикаси Конституциясининг асосий муаллифи ва уни ҳаётга татбиқ этишнинг кафолатидир; — марказий ҳокимият ва унинг жойлардаги бўғинларини ислоҳ қилиш, давлат, жамият ва инсон муносабатларини уйғунлаштиришга қаратилган янги сиёсий-ижтимоий тизим тамойилларини ишлаб чиқи-ди ва амалга оширди; — халқимизнинг ўзига хос хусусиятлари ҳамда илгор жаҳон тақрибларини муж-жасамлаштирган иқтисодий ислохотларни-нинг янги моделини ишлаб чиқди. Бу ривожланиш йўли иқтисодиётнинг сиёсат-дан устунлиги, қону устуворлиги, ўтиш-даврида давлатнинг бошқарувчилик роли, ислохотларни босқичма-босқич амалга-ошириш, кучли ижтимоий ҳимоя каби маш-вур беш тамойилни ўз ичига олади ва у-дунда «Ўзбек модели» деб эътироф этил-ган;

— Ўзбекистон давлатининг ҳудудий яқ-литлигини, сарҳадларимиз дахлсизлиги-ни ҳимоя қилишга қодир Куролли Куч-лар, Чегара ва Ички кўшинларни замон-авий ислохотлар асосида ташкил этиш иш-ига бошчилик қилди;

— КПСС Марказий Комитети бошчили-гидаги кўчалар Ўзбекистонда адолатсизлик ва таъйиқларни авж олтирдиган йилларда Ўзбек инсини ноҳақ таъжир ва ҳақорат-лардан ҳимоя қилиш, халқимизнинг ор-номусини, миллий ғурурини тиклашда фи-дойлик намунасини кўрсатди;

— халқимиз маънавий қадриятларига ҳурмат-эҳтиром билан муносабатда бў-лиш, асраб-авайлаш ва ривожлантириш, муқаддас динимизни, урф-одатларимиз-ни, бебаҳо тарихий меросимизни ҳаётга кай-таришнинг давлат сиёсати даражасига кўтар-ди;

— халқаро майдонда Ўзбекистоннинг обрў-эътиборини юксалтириш, Ўзбек но-мини бутун дунёга тараннум этишда бу-юк ҳизмат қилди;

— одамларнинг тафаккурини ўзгарти-риш, уларнинг онгида янги миллий ғоя, миллий мафкура асосларини шаклланти-риш ва мустақамлаш ишига раҳнамолик қилди;

— юртимизда тинчлик-осойишталикни, миллатлар ва фуқаролар ўртасида тоту-влик ва ҳамжиҳатликни қарор топтириш, уни сақлаш ҳамда мустақамлашга беқий-с ҳисса қўшди;

— моҳият-эътиборига кўра, мутлақо янги таълим-тарбия тизими — Кадрлар тайёр-лашнинг миллий дастурини яратиш ва уни амалга оширишда бевосита етакчи бўлиб қолмади;

— маълумларнинг давлат ва жамият бо-шқарувдаги нуфузини ошириш, ваколат ва ҳуқуқларини кенгайтириш, фуқароларни ўз-ўзини бошқариш тизими сиёсатида уни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш та-шаббускори бўлди;

— юртимизнинг турар жойларида янги қурилышлар, шу жумладан, улуг аждодла-римизнинг қадимжоларини обод қилиш, иқ-тисодиимизнинг салохиятини оширишда кат-та ўрин тутган йирик-йирик корхоналари-нун бунёд этишда, қўпгина шаҳар ва қишлоқ-ларимиз, авваламбор, пойтахтимиз Тош-кентнинг шакл-қифасининг тубдан ўзга-ришида бевосита раҳбарлик қилмоқда;

— Мухтасар қилиб айтганда, Ислом Ка-римов Ўзбекистон давлати ва давлатчили-гини барпо қилиш, демократик фуқаролик жамияти қуриш асосларини яратиш, янги асрда мамлакатимиз тараққийининг асо-сий йўналишларини ишлаб чиқди, юр-тимизнинг ёруғ истиқболи йўлида кўп мил-латли халқимизни бириштириб, уни улуг мақсадлар сари бошлаб бормоқда.

Ҳасарруфимиздаги 554 та бошланғич ташкилотдан 493

### ЖАЛОЛОВ Абдулҳафиз Мараҳимович

Абдулҳафиз Мараҳимович Жалолов 1947 йилнинг 1 июнида Наманган шаҳрида ўқитувчи оиласида туғилган. 1964 йилда Наманган вилояти Янгиқўрғон тумани Бирлашкан қишлоғидаги 14-сон ўрта мактабни, 1969 йилда эса Тошкент Давлат университетини фалсафа ихтисосли-ги бўйича тамомлаган. Файласуф, 1976 йили «Гегель ва Шарқ халқлари фалса-фий фикри» мавзусида номзодлик, 1992 йили «Шахсининг ҳар томонлама ривож-ланиши ва жамиятни инсонийлаштириш муаммолари» мавзусида докторлик диссер-тацияларини ёқлаган. Фалсафа фанлари доктори.

1971 йилдан эътиборан (Чегара кўши-лари сафида, Термиз шаҳар заставаси бошлиғи ўринбосари лавозимида ҳарбий хизматни ўтагандан сўнг) улзусиз равиш-да илмий-педагогик фаолият билан шу-ғулланади. ТошДУ фалсафа кафедраси ўқитувчиси, ЎзР ФА Фалсафа ва ҳуқуқ инсти-тутини илмий ходими, Ўзбекистон Дав-лат жисмоний тарбия институтини фалсафа кафедраси мудири, ТошДУ қошидаги олий ўқув юртлиари ижтимоий фанлар ўқи-тувчилари малакасини ошириш институ-ти фалсафа кафедраси доценти, илмий ишлар бўйича директор ўринбосари, Ўз-бекистон Республикаси Президенти ҳу-зуридаги Жаҳон муаммолари институти бўлим мудири вазифаларида ишлаган. 1993 йилдан ЎзР ФА И. Мўминов номи-даги Фалсафа ва ҳуқуқ институти дирек-тори.

Фалсафа тарихи, ижтимоий фалсафа ва сиёсатшунослик йўналишларида илмий-тадқиқот ишлари олиб боради. Маъзур соҳаларга оид 250 дан зиёд чоп этилган ишлар муаллифи. Улар орасида: «Инсон омилли: фалсафа, мафкура, сиёсат» (Т.: 1991, рус тилида); «Ўзбекистон: муста-қиллик, маънавият, мафкура» (Т.: 1994); «Мустақиллик масъулияти» (Т.: 1996); «Исти-қбол уфқлари» (Т.: 1998) номли мо-нографиялар бор. Шунингдек, «Ўрта Осий халқлари фалсафий мероси ва ғоялар ку-раши» (Т.: 1988, рус тилида) мавзусидаги жамовий монография ҳамда «Фалсафа» (Т.: 1999) ўқув кўланамаси ҳаммуалли-фи. Илмий ишлари АКШ, Буюк Брита-ния, Белорусь, Россия, Хиндистон, Қир-ғизистон, Эстония мамлакатларида чоп этилган. Х. Халқаро гегелчилар конгрес-си (Москва, 1974), XX Бутунжаҳон фал-сафа конгресси (АКШ, Бостон, 1998) ва, шунингдек, Тошкент, Дехли, Москва, Ми-нск, Киев, Талин, Техон, Волгоград, Екатеринбург каби шаҳарларда ўтказил-ган илмий анжуманлар иштирокчиси. Ин-сон, жамият, халқ, меҳнат, мулк, бозор иқтисодиёти, манфаат, маънавият, фал-сафа, эркинлик, ахлоқ, маданият, муста-қиллик, сиёсат, мафкура каби қўплаб, ҳа-миша мунозараталаб, «абадий» тушунча, муаммоларга янгича талқин беришга ҳа-ракат қилган. Унинг бевосита раҳбарли-гида қатор докторлик ва номзодлик дис-сертациялари муваффақиятли ёқланган.

1993—1996 йилларда Мирзо Улуғбек номидаги Тошкент Давлат университети қошидаги фалсафа фанлари бўлими до-кторлик ҳимоясига ихтисослаштирилган кенгаш аъзоси бўлган. 1996 йилдан Ўз-бекистон Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академиясининг сиё-сатшунослик ҳамда ҳуқуқшунослик фан-лари бўйича докторлик илмий даражаси-нун диссертациялар ҳимоясига ихтисос-лашган кенгаш аъзоси, худди шу йил

ЎзРФА И. Мўминов номидаги Фалсафа ва ҳуқуқ институтининг фалсафа фанлари бўйича докторлик илмий даражаси учун дис-сертациялар ҳимоясига ихтисослашган кен-гаш раиси.

1986 йилдан Ўзбекистон Коммунистик партияси марказий аппаратида ишга ўтган. Лектор, лекторлар гуруҳи раҳбари, мафкура бўлими мудири муовини лавозимларида ишлаган. 1991 йилдан Ўзбекистон Халқ де-мократик партияси Марказий Кенгаши бў-лим мудири, Марказий Кенгаш иккинчи (1993), сўнг биринчи котиби (1994), 1999 йилнинг октябр ойида Ўз ХДП Марказий Кенгашининг биринчи котиби этиб қайта сайланган.

1994 йилнинг декабрида Ўзбекистон Рес-публикаси биринчи қаҳирқ Олий Мажлиси депутатлигига сайланган. Ўзбекистон Рес-публикаси Олий Мажлиси Кенгаши аъзоси, Ўзбекистон ХДПнинг мамлакат парламен-тидаги фракцияси раиси (1995).

Оилали, 4 та фарзанди бор. Кейинги йилларида: — ЎзР ФА И. Мўминов номидаги Фалса-фа ва ҳуқуқ институти мамлакат маънавий ҳаётида муҳим ўрин эгаллаган, фалсафа ва ҳуқуқ фанларининг долзарб муаммоларини тадқиқ этувчи, юксак малакали илмий кад-рлар тайёрловчи ҳамда илм-фан ютуқла-рини тарғиб қилувчи нуфузли даргоҳга айланган.

— Ўзбекистон мустақиллигининг маъна-вий негизларини мустақамлашда фалсафа ва ҳуқуқ фанларининг самарали иштироки-ни таъминлашга қаратилган таъсирчан ил-мий-ташқилий чоралар амалга оширилмоқ-да;

— Ўзбекистон Халқ демократик партияси сафарли ўси, унинг ўзи ғоявий-сиёсий жи-ҳатдан улғайди, ташқилий томондан мус-тақамланди, мамлакатнинг етакчи сиёсий кучларидан бирига айланди;

— Ўзбекистон Халқ демократик партияси мамлакат Парламенти — Олий Мажлисида энг йирик фракцияга, давлат ҳокимияти маҳал-лий вақиллик идораларининг ақсарияти тар-кибида ўз партия депутатлари гуруҳига эга бўлиб, улар халқимиз ҳаётига оид муҳим қонунлар, қарорларни қабул қилиш, улар-ни ҳаётга татбиқ этиш, минтақалар ижти-моий-иқтисодий ривожини таъминлашга қа-ратилган дастурларни рўйбга чиқариш сая-ҳатқатларини амалга оширмоқдалар;

— қатор мамлакатларнинг, жумладан, АКШ, Буюк Британия, Германия, Хитой ва бошқаларнинг сиёсий таърибаси уларга қил-ingan тарғиб орқали ўрганилди;

— Ўзбекистон ХДПнинг халқаро обрўси-ни оширишга хорижий мамлакатларга пар-тия вақилларининг таширф буюриши, чет эл делегацияларини, Ўзбекистондаги элчи-хоналар, халқаро ташкилотлар раҳбарлари, масъул ходимларини Марказий Кенгаш, пар-тия кўли тузилмаларида қабул қилиш орқали эришилди;

— буларнинг ҳаммаси Ўзбекистон ХДП-ни мамлакатда рўйбга чиқарилаётган кенг қамровли ислохотларда фаол иштирок эти-шини, уни юртимизда тинчлик, барқарор-лик ҳамда тотувлигини сақлашнинг муҳим сиёсий омилли бўлишининг мустақам за-мини бўлиб ҳизмат қилди ва қилмоқда;

— шулар боис Ўзбекистон ХДП халқи-миз барча қатламлари, хусусан, оддий меҳ-наткаш, фуқаро эҳтиёжларининг чинакам ифодачиси ва уларни қондириш учун жи-ддий курашга тайёр сиёсий куч эканигини барча ватандошларимиз тобора яққол ан-глолмақдалар.

## МАСЪУЛИЯТ ҲИССИ СЎНМАСИН



ди ва тавсия этилди. Бош-ланғич касаба уюшмалари ходимлари учун «Касаба уюшмалари ва бозор иқти-соидети». «Жамоа шартнома-ларининг қабул қилиниши ҳақида». «Меҳнатга ҳақ тўлашининг тизими ва турла-ри» ва шунга ўхшаш долзарб мавзуларда ўқув семинарлар ўтказилди.

сарфланшини таҳлил қила бошладик.

Утган йили ушбу мақсад-ларга 2 миллиард 21 мил-лион 357 миң сўм сарflan-ган бўлса, шунинг 101 мил-лион 843 миң сўми касаба уюшма ҳисобига тўғри кел-ди. Жорий йилнинг бирин-чи ярмида эса 1 миллиард 147 миллион сўмдан кўпроқ маблаг сарflanган.

Ўтказилган текширувлар-дан хулоса қилиб айтиш мумкинки, иш берувчилар-нинг қонуни риоя қилиши, жамоа шартномаларининг, қолаверса Битимда қўрсати-лган шартларнинг бажари-лиши асосан талабга жавоб беради. Бирок, жамоа шар-тномаларининг Меҳнат ко-декси ва Битим талабларига мос келмаслиги ҳоллари уч-раб турибди. «Ўзпулаткон-струкция», «Қашиқадарқури-лиш», «Жиззахқурилиш», «Бухороқурилиш» ва шун-га ўхшаш корхоналарда жа-моа шартномалари белги-ланган талаблар даражаси-да эмас. Шу муносабат бил-ан Марказий кўмита томо-нидан касабақўрилларга ҳуқуқий ва амалий ёрдам кўрсатиш мақсадида қўшим-ча чора-тадбирлар қабул қилиниб, қамчиликлар бар-тарф этилди. Меҳнат қонун-чилигининг иш берувчи то-монидан бузиллиши ҳолатла-ри бўйича 158 та қорхона

текширувдан ўтказилганда, 450 қонун бузилишлари ва жамоа шартномалари талаб-ларининг бажарилмаслиги ҳолати, шунингдек, 50 та қонун бузилишлари ҳолати аниқланган.

Меҳнат муҳофазаси ҳақида тўхталадиган бўлса, 1997—98 йилларда иш жой-ларини аттестациядан ўтқа-зиш, яъни Меҳнат кодексининг 137-моддаси талабла-ри бўйича текширувлар ўтқа-зилганида «Ташўйинвесе-тқурилиш» корпорациясининг 11 та қорхонасидан бор-йўғи учтасидагина маъ-зур қонун талаблари бажари-лган ҳолос.

«Ўзсаноатҳўжалиққури-лиш» корпорациясида «Ўзмонтажмаҳсуққурилиш» ассоциациясида, «Ўзқури-лишматериаллари» компани-ясининг бир неча қорхона-ларида иш жойлари ўз вақ-тида аттестациядан ўтқазил-маганлиги боис юзлаб иш-чилар ноқулай иш шартло-лари учун олиши керак бўлган меҳнат таътили ва қўшимча компенсациядан маҳрум бўлганлар.

«Ўзпулатконструкция» жамоа қорхонасининг Назар-бек, Олмалик, Бекобод мон-таж бошқармаларида бир неча йиллаб жамоа шартно-малари тузилмаган, бошқа бошқармаларида эса тузил-ган жамоа шартномалари

ҳам Меҳнат кодекси талаб-лари ва Битим шартларига тўғри келмайди. Бунинг на-тижасида меҳнаткашларнинг катта қисми меҳнатга ҳақ тўлаш, ижтимоий-иқтисодий имтиёз ва бошқа кафолат-лардан фойдалана олмаган-лар.

Хисобот даврида 22319 нафар кишига санаторий, дам олиш уйларига йўлан-малар берилди. Санаторий-профилакторийларда 36 миң ходим ва уларнинг оила аъзолари ўз соғлиқла-рини тикладилар. Соғлом-лаштириш масканларида эса 50 миңдан ортиқ ўғил-қиз дам олиб қайтди. Утган беш йилда тармоқнинг 66 қорхо-насида маданий-оммавий ва спорт-соғломлаштириш иш-ларини ташкил этиш ва ўтқа-зиш аҳоли ўрганиб чиқил-ди ва амалий ёрдам кўрсат-тилди. Тармоқда ушбу соҳа-ни бундан ҳам ривожланти-риш мақсадида касаба уюш-ма МК расадати 1999-2005 йилларга мўлжалланган мах-сус чора-тадбирлар Дастури-ни ишлаб чиқди.

Ўзбекистон касаба уюш-малари Федерацияси ташаб-буси билан Марказий кўми-тамиз қурилиш ва ёғочни қайта ишлаш ходимларининг халқаро федерацияси билан алоқа ўрнатди. 1998 йил 27 майдан унинг тенг ҳуқуқли аъзосига айланди.

(92А)

# КАСАБА УЮШМАЛАРИ МЕХНАТКАШЛАР

## Қорақалпоғистон Республикаси

Қорақалпоғистон Республикасида ҳам бўлажак сайловларга қизгин тайёргарлик кўрилмоқда. Депутатликка номзодларнинг сайловчилар билан учрашувларида уларнинг салоҳияти, билими, дастури ҳақида аниқ тасаввурга эга бўлинмоқда. Табиийки, касабга уюшмалари вакиллари Парламентда ўз муносиб номзодларига эга бўлиш учун астойдил ҳаракат қилмоқдалар.

Хозирги кунда Қорақалпоғистон Республикаси касабга уюшмалари таркибига 72 та туман ва шаҳар кўмиталари, 2523 та бошланғич ташкилотлар мавжуд. Улар меҳнаткашлар ҳақ-хуқуқининг устувор ҳимоячиси сифатида ҳаракат қилиб, ўз нуфузларини ошириб боришмоқда. Қувончлиси шуки, ислохотларни чуқурлаштиришда касабга уюшмалари ҳам таянч вазирасини ўтаётди. Бозор олдимиғизга масъулиятли талаблар қўйди. Нодавлат сектори вужудга келди.

«ЎздЭУ авто» қўшма корхонаси касабга уюшма кўмитасининг иш тажрибаси чуқур ўрганилиб, кенг тарғиб қилинмоқда.

Хисобот даврида Ўзбекистон Республикасининг «Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги Қонуни асосида ҳам кенг кўламли ишлар амалга оширилди. Айниқса, «Катекс», «Тахиттошдон» корхоналарида, Тахиттош ГРЭСида меҳнатни муҳофаза қилиш ишлари яхши йўлга қўйилган. Эътиборлиси шуки, Нукус матбаачилик комбинати меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича вакили Х.Султонова республика микросидаги қуриқ-танловда голуб деб топилди, Ўзбекистон касабга уюшмалари Федерацияси Кенгашининг дипломини кўлга киритди. Бирок,

Қўнғиротдан қирқ километр ғарбда, аниқроғи, «Қўнғирот-Бейнеу» халқаро йўлининг ёнгинасида бунёд этилаётган сода заводи фойдаланишга топшириладиган кун тобора яқинлашмоқда.

Эътиборлиси шуки, улкан корхона махсулотига хориждагилар ҳам кўз тикиб туришибди. Бу ерда 2001 йилдан бошлаб ҳар йили тайёрланадиган 160 минг тонна кальцийли сода, 150 минг тонна каустик ва 20 минг тонна озик-овқат سدаси эвазига бюджетга катта миқдорда валюта кириб келади. Шунингдек, бир йилда 400 минг тонна юқори сифатли ош тузи истеъмолчиларга етказиб бериларди.

Ўтган беш йилда Уст Юртнинг Кийиксой мавзесида жойлашган улкан иншоотни бунёд этиш учун катта ҳажмдаги қурилиш монтаж ишлари амалга оширилди. Биринчи навбатда электр энергияси, газ, ичимлик суви келтирилди, йўллар асфальтланди, темир йўллар тортилди. Инфра тузилма ҳам доимий эътиборда. Қисқа муд-

## ВОҲА ФАХРИ

Йирик сода заводи қурилиши ниҳоясига етмоқда

дадта 5 минг аҳолига мўлжалланган ишчилар шаҳарчасида 96 ўринли учта турар жой, 30 хонадонга мўлжалланган икки қаватли бинолар, 250 ўринли ошхона, қаҳвахона, ажойиб мактаб фойдаланишга топширилди. 15 гектар майдонни эгаллаган 30 минг туп турли хилдаги мевали дарахтлар барқ уриб ривожланмоқда.

Яқинда бу ерда қувончли воқеанинг шохиди бўлишди. Замонавий болалар боғчаси, даволаш профилактика маркази фойдаланишга топширилди. Бундан ташқари, асосий хом ашё — туз етказиб берилган кон яқинида саноат базаси, турар жойлар, транспорт саройи қуриб битказилди. Хозирги кунда ишчилар шаҳарчасидаги 300 ўринли маданият саройи, 2 та турар жой биноси қурилиши битай деб қолди. Корхона юраги ҳисобланган ишлаб чиқариш қисмида ҳам қурилиш ишлари авжида. Юқоридаги қувончли ўзгаришлар, амалга оширилган ишларда меҳнаткашлар ҳақ-хуқуқининг устувор ҳимоячиси бўлмиш касабга уюшмаларининг ҳам муносиб ҳиссаси бор.

А.АСАНОВ, етакчи мутахассис.

## ИСЛОХОТ ИНСОН УЧУН

Мулкдорлар синфи вакиллари тобора кўпайиб бормоқда. Мақсадга эришиш, муаммоларни вақтида ҳал этишда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирилари Кенгаши билан касабга уюшмалари ўртасида тузилган келишувлар муҳим аҳамият касб этмоқда. Унга суянган ҳолда кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш, янги хўжалик юретиш тизимини такомиллаштириш, корхоналарнинг иқтисодийетини мустаҳкамлаш, иш ҳақининг вақтида берилишини таъминлаш, ижтимоий ҳимоялашни ташкил этиш каби ҳаётий масалалар изчил амалга оширилмоқда.

Меҳнат Кодексининг қабул қилиниши муносабати билан жамоат шартномаларини қайта кўриб чиқиш зарурати туғилди. Жорий йилнинг ўзида 1260 та ана шундай шартномалар тузилди. Ундаги шартларнинг 92 фоизи бажарилди. Бу борада Қорақалпоғистон электр тармоқлари, «Нукусон», «Хўжайлимоий», да аёллар меҳнати қай йўсинда қадрланаётганлиги синчковлик билан назардан ўтказилди. Бу борада камчиликка, ўзи бўларчилиқка йўл қўяётган раҳбару мутахассислар олдиға қатъий талаблар қўйилди.

Ногиронлар, боқувчисини йўқотганлар, кўп болали оилаларға алоҳида мадад кўрсатилди. Масалан, шу йили юқорида қайд этилганлардан 3262 нафарига санаторий, курортларға бепул йўлланмалар берилди. 30 нафар ўғил-қиз Тошкент вилоятидаги болалар масканларида дам олиб қайтидилар. Иқтисодий ислохотлар чуқурлашиб бораётган ҳозирги шароитда касабга уюшмалари ҳам ўз фаолиятларини янгиға талаблар асосида такомиллаштириб боришға ҳаракат қилмоқдалар. Амалга оширилаётган эътиборға молик тадбирлардан бири қўшма корхоналарда бошланғич ташкилотлар тузиш, борларига амалий ёрдам берилаётганидир. Асақад-

хали фаолиятда камчиликлар, муаммолар етарли. Нукус ва Қўнғирот гишт заводлари, «Шуман момиги» ҳамда 52 та участка, цехларда меҳнатни муҳофаза қилиш қоидалари кўп олавишда бузилганлиги маълум бўлди. Ҳуқуқ-тартибот идораларига 32 та ҳужжат чора кўриш учун юборилди.

Кейинги уч йил ичида Эллиққалъа туманидаги «Сарибий», Чимбойдаги «Гулпаршин» санаторийларининг ишға тушгани айниқса хотин-қизларимизни муҳофаза қилиш меҳнаткаш ишда ҳаммашраф очик. Ноҳақ ишдан бўшатилганларни ўз ўрниға тиклаш, тоvon пули ундириш борасида ҳам кўпгина савобли ишлар қилинган. Касабга уюшмалари хатто сузда ҳам даъвогар вазифасида иштирок этмоқда.

**Бибиойна ЮСУПОВА,** Қорақалпоғистон Республикаси касабга уюшмалари Кенгаши раиси.

## СОҒЛОМЛАШТИРИШ ЯНГИ МАРКАЗ ИШ БОШЛАДИ

Орол денгизининг фожеаси кўпгина муаммоларни юзаға келтирди. Нохуш экологик вазият инсон саломатлиги ҳақида жиддий бош қотиришға ундади. Шу боис Қорақалпоғистонда тиббий соҳасини ислох қилиш бўйича дастурни амалға оширишға биринчи даражали аҳамият берилмоқда. Мустақиллик йилларида янги шифо масканлари қуриб ишға туширилди. Шулардан бири Нукус шаҳридаги онкологик касалликларни даволаш ва профилактик ишлар олиб боришға ихтисослашган илмий тиббий марказидир. У энг замонавий тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган. Шифо масканида фан доктори М.Қобулов раҳбарлигида ўнлаб юқори малакали шифокорлар фаолият юритишяпти. Оролни кутқариш халқаро жамғармаси Нукус бўлими ташаббуси билан урология маркази иш бошлади.

А.ИСКАНДАРОВ.



117 ёшли ўғилсафар момо оила аъзолари даврасида.

## ЯХШИ ИШЛАБ, ЯХШИ ЯШАЙТГАНЛАР

### САДОҚАТ

Бу йил қорақалпоғистонлик шунлиқ муаммоларни ҳал қилишда камчиликлар, муаммолар етарли. Нукус ва Қўнғирот гишт заводлари, «Шуман момиги» ҳамда 52 та участка, цехларда меҳнатни муҳофаза қилиш қоидалари кўп олавишда бузилганлиги маълум бўлди. Ҳуқуқ-тартибот идораларига 32 та ҳужжат чора кўриш учун юборилди.

Энди ўзимизни-ўзимиз уруғлик билан тўла таъминлаймиш. Бу йил деҳқон чўнтағи чинакам пул кўради. Боиси, хўжалигимиз фақат шолчиликдан 460 миллион сўм даромад килди. Шундан 150 миллион соф даромад. Ширкат аъзоларига 50 миллион сўмлик дивидент бериш мўлжалланмоқда. Буларнинг ҳаммаси маъмурият ва касабга уюшма ҳамкорлигида амалга оширилган ишлар, деҳқон фидокорона меҳнатининг натижасидир.

М.ШЕРБЕКОВ, Тахтақўпир туманидаги «Тахтақўпир» ширкатлар бирлашмаси касабга уюшмаси кўмитаси раиси.

## Қишлоқларға зангори олов

### ҚУВУРЛАР АМУДАРЁДАН ЎТКАЗИЛДИ

Мамлакатимиз Президентини Ислам Каримов раҳнамолигида айниқса қишлоқ аҳолисини тоза ичимлик суви ва табиий газ билан таъминлаш борасида бекиёс ишлар амалға оширилмоқда. Бу борада хозирда Амударё туманида ҳам ибратли тадбирларға қўл урилган. Туманининг Амударё чап соҳилида 30 минг аҳоли истиқомат қилади. Йиллар мобайнида улар табиий газ келишини орзиқиб куттишди. Фақат мустақиллик шарофати туфайлигина орзулар рўёбға чиқди. «Газли-Нукус» трассасидан 19 километр узунлиқдаги қувурлар ётқизила бошланди. Бу хайрли иш учун 1 миллиард 120 миллион сўм маблағ ажратилган. «Жанубий-газқурилиши» трестининг махсус бригадалари шижоат, омиқкорлик кўрсатиб ишламоқдалар. Касабга уюшма кўмиталари бунёдкорларға қулай шарт-шароит яратиш, меҳнатни муҳофазалашда ишбоши бўлишмоқда.

Кунни кеча халқ манфаати учун хизмат қиладиган хайрли ишнинг энг масъулиятли босқичи амалға оширилди. Яъни, газ қувурларини Амударёдан ўтказиш ниҳоясига етказилди. Ўзбекистон Конституцияси кунни байрами арафасида янги линиядан 25 атмосфералик босимда газ узатилиб, минглаб хонадонлар зангори оловдан баҳраманд бўладилар.

А.ИБОДОВ, қурувчи.

## «БУЮК ИПАК ЙўЛИ» ҚАЙТА ТИКЛАНМОҚДА

5 минг аҳоли истиқомат қиладиган темир йўлчилар шаҳарчасини қуриш аллақачон бошланиб кетди. Бу ерда мактаблар, маданият-маиший, савдо нуқталари, электрон АТС қурилади, аҳоли учун зарур шароитларнинг барчаси муҳайё этилади.



Шуниси аҳамиятлики, ҳадемай автомобил йўли қурилиши ҳам бошлаб юборилди. Хуллас, «Буюк ипак йўли» қайта тикланиб, у халқимизға фаровонлик келтириши шубҳасиз!

**Суратда: «Қоратог-Тўрткўл» темир йўли қурилишининг Думанқалъа участкасида охириги пўлат излар ётқизилмоқда.**

## «БАДАЙ Тўқай»ДА ХОНГУЛИЛАР ПОДАСИ

Амударёнинг қуйи қисмида, Қоратог ва Октов билан Таллик тўқайи оралиғида «Бадай тўқай» қуриқхонаси жойлашган. Бу ерда ўз ишининг жонқуяри Холбой Мамутов бошчилиғида бир неча илмий ходимлар фауна ва ҳайвонот оламини ўрганиш, муҳофаза қилиш бўйича самарали иш олиб боришмоқда.

«Бадай тўқай» қуриқхонаси жамоаси бу ерда Хонгули (Бухоро бугуси)ни кўпайтиришдаги ишлари самараларини ўзларининг энг катта ютуқлари деб ҳисоблашади.

— Ўн йиллар олдин уч бош Хонгули келтирилган эди, — дейди қуриқхона директори. — Қуриқхонамизнинг табиий шароити, ходимларимизнинг меҳру шафқати ёқиб қолди шекилли, хозир уларнинг сони 150 тага етди. Демак, «Қизил китоб»ға кирган жониворлар бош сонини кўпайтиришдаги саяё-ҳаракатларимиз зое кетмабди.

Ёшим саксондан ошди. Қариганда ёлғиз яшаш қийин экан. Биринчи гуруҳи ногирони бўлганлигим, саломатлигим ёмонлашганлиги туфайли анчайин қийналдим. Ҳар кимнинг ташвиши ўзига етарли. Бирок, яшаш учун курашиш керак. Аввало, инсон учун бошпана зарур. Йиққан беш-ўн тангам уй қуриш учун етмади. Бошим қотиб, нима қилсам экан деб турганимда яхшилар Нукус туманидаги 4-мактаб ўқитувчиси, саховатпеша инсон Олланиёз Утаниёзовға рўбарў қилишди. Барака топқур, ўзининг етмиш йиллик умри мобайнида муҳтожларға 40 та бошпана қуриб берган экан.

— Аёллар йилида хотин-қизларимизға алоҳида меҳрибонликлар кўрсатилмоқда, — деди Олланиёз. — Сиз каби табарруқ инсонларни қанча эъзозласак, шунча оз. Илкониётимни чама-лаб чиқиб сизға икки хонали уй қуриб беришға аҳд қилдим.

Қанчалик қувонганимни бил-

## Бошланғич ташкилот кўп ишға қодир

### МУЛҚДОР МАНФААТИ

Хисобот даврида 34 та бошланғич, 26 та цех ташкилотлари ва 350 та гуруҳлар халқ хўжалигининг турли соҳаларида фаолият юритдилар. Мулк шаклини ўзгартириш, ўзига хос муаммоларни ҳал этишда уларнинг ўрни алоҳида бўлди. 1995 йили 14 та жамоа хўжалиги тугатилиб, улар неғизда фермер хўжалиқлари уюшмалари ташкил этилди. 28 минг гектар суғориладиган ер асл тадбиркорларға бўлиб берилди. Мулкдорлар синфининг истиқболли вакиллари нимаға қодир эканликларини кўрсатдилар. Неъмат етиштириш кўпайди, иқтисодийёт бирмунча мустаҳкамланди. Бу ижтимоий соҳани ривожлантириш имконини берди.

Бизда инсон саломатлиги ҳақида қайғуриш касабга уюшма-

С.АЙТБОЕВ, Эллиққалъа тумани.

ларининг энг муҳим ишға айланган. Шуқурки, Сарибий, «Эллиққалъа олтин толаси» санаторий-профилакторийлари намунали ишлаб турибди. Уларға Қорақалпоғистоннинг турли жойлардан беморлар келиб, ўз саломатликларини мустаҳкамлаб қайтмоқдалар.

Бунёдкорлик ишлари қизгин давом этмоқда. Яқин келажакда энг сўлим гўшалардан бири — Оқчакўл соҳилларида бир йўла 700 кишини қабул қиладиган ажойиб санаторий ишға тушади. Шунингдек, Ўзбекистон касабга уюшмалари Федерацияси билан ҳомийлар ёрдамида «Орол болалари» соғломлаштириш ўқув маркази ҳам тез суръатлар билан бунёд этилмоқда.

сангиз эди. Бағри кенг, саховатпеша инсон август, сентябр ойлари ичида ўзи 15 минг дона мизнинг мустаҳкам устунларидир.

Олмагул момо ҚАЛИНБЕТОВА, меҳнат фахрийси, Кегайли тумани.

## САХОВАТ

# ҲАҚ-ҲУҚУҚИНИНГ УСТУВОР ҲИМОЯЧИСИ

## Хоразм

### • Бозор талаби қатъий •

Бозор муносабатларини шакллантириш жараёни ҳар биримиздан алоҳида масъулият талаб қилади. Айниқса, давр муайян шарт-шароитда меҳнаткашлар манфаатини қаттиқ туриб ҳимоя қила оладиган касаба уюшмалари ходимлари олдига юксак вазифалар қўйди. Ҳўш, бу борада қандай ютуқларга эришилди-ю, қандай камчиликларга йўл қўйилди? Шу хусусда касаба уюшмалари вилоят Кенгаши раиси Марат ЮСУПОВ куйидагиларни гапириб берди.


Мустақилликка эришгач, янги иқтисодий шароитга ўтдик. Янгича муносабатлар шаклланиб бормоқда. Уларни тартибга солувчи ҳуқуқий меъёрлар ишлаб чиқилди. Иқтисодий ислохотларни янада чуқурлаштириш, кичик ва ўрта бизнесни қўллаб-қувватлаш, хусусий мулкчилик манфаатларини ҳимоя қилиш - фаолиятимизнинг муҳим қирраларидан бири ҳисобланади. Бутун саъй-ҳаракатимиз ана шунга қаратилган. Зеро, мамлакатимиз қудратини оширувчилар ҳам, дастурхонимизни ноз-неъматларга тўлдирувчилар ҳам, давлатимиз салоҳиятини мустаҳкамловчилар ҳам оддий меҳнаткашлардир. Уларнинг кундалик турмуш шароитларини яхшилаш, кам таъминланган ва кўп болали оилаларга гаҳмўрлик қилиш, фахрийлар, уруш қатнашчилари аҳволдан хабардор бўлиб туриш, аёлларни эъзозлаш, фарзандларимизнинг ҳар томонлама камол топишлари учун барча имкониятларни яратиш - бизнинг муқаддас бурчимиздир. Шунини айтиш керакки, бугунги кунда тармоқда

## АКЦИЯ - ҚЎШИМЧА ДАРОМАД

вилоят бўйича 314 та ҳиссадорлик жамиятлари, 35 қўшма, 45 жамоа корхоналари ҳамда 33 та ширкат ҳўжаликлари мавжуд. Бу ерларда меҳнат қилаётган фуқароларнинг ҳақ-хуқуқларини ҳимоя қилишни касаба уюшмаларининг иштирокисиз амалга ошириш қийин. Чунки замон талабларига жавоб берадиган қонунлар моҳиятини ҳамма ҳам яхши билавермайди. Яхшибордин, корхоналар маъмурияти, ҳўжаликлар раҳбарияти олдига меҳнаткашлар билан тузилган жамоа шартномаларининг ҳар бандига тўлиқ риоя этиш вазифасини қўйганмиз. Талабларимиз қаттиқ, аммо адолатли. Масалан, Урганч ёғмол комбинати 1994 йилда ҳиссадорлик жамиятига айлантирилган эди. Ушунда ҳар бири 300 сўмлик 14 минг 626 донда акция чиқарилган. Уларнинг 617 таси имти-

ёзли равишда корхонада узоқ йиллар мобайнида меҳнат қилган фахрийларга берилди. 15-20 тадан то минтагага акция сотиб олганлар жамоанинг мулк соҳибларига айланишди. Натижада акциядорлар биргина ўтган йилнинг ўзида 30 милли-

Жойларда меҳнат қонунларининг бузилиш ҳолларини бартараф этиш учун ҳам қатъий ҳаракат қилмоқдамиз. Жумладан, шу йилнинг ўзида ҳуқуқ нозирлари томонидан 10 га яқин ташкилот раҳбарларига ёзма тақдимномалар бе-



### • Эл соғлиғи — юрт бойлиғи •

## ҚАЙФИЯТГА КЎП НАРСА БОГЛИК

Хоразм халқи азалдан ўзининг яратувчанлиғи билан ҳам довуқ таратган. Хозирги кунда уларнинг соғлиқларини сақлаш, саломатликларини тиклаш мақсадида 3920 нафар шифокор, 12 минг 790 нафар ўрта маалакили тиббиёт ходимлари хизмат қилаёттирлар. Айни пайтда тиббий хизматларни янада юқори поғонага кўтариш ниятида қатор тадбирлар амалга ошириляптир. Кейинги йилларда тиббиёт ходимларининг малакасини оширишга катта эътибор бераёلمиз. Жумладан, шу йилнинг ўзида 232 нафар мутахассис Тошкент шаҳрининг нуфузли илмий марказларида тажрибаларини бойитиб қайтишди. Улар орасида ўз касбига меҳр қўйган 20 та врачлик пунктларидан вакиллар ҳам бор эди. Тиббиёт ходимларига қулай шарт-шароит яратиб бериш хусусида ҳам иزلанаёلمиз. Зарур бўлган замонавий асбоб-ускуналарни келтиришга ҳаракат қилмоқдамиз. Ушбу соҳада 11 нафар фан доктори, 65 нафар фан номзодлари фаолият кўрсатган бўлса-да, шифокорларнинг хизматларидан қўнғимиз тўлганича йўқ. Шу боис, яқинда маҳаллий ҳўкимият бюджетидан қўшимча маблағ сўраб, республика шўшилнинг «Тез ёрдам» илмий марказининг Урганч филиалини ташкил этаёلمиз. Негаки, бориш қийинроқ бўлган барча ҳудудларда 794 нафар ўрта тиббиёт ходимлари меҳнат қилишмоқда. Саломатлик посбонларининг оилавий шароити, моддий аҳволи, фарзандларининг келажағи ҳақида қайғуриш доим диккат эътиборимиздадир. Чунончи, 1997 йилдан шу кунгача хизмат вазифаларини сидқидилдан бажаряётган ходимларни рағбатлантиришга 4 миллион 96 минг сўм сарф-

ланди. 1 миллион 8 минг сўм моддий ёрдам пули берилди. Кўп болали ҳамда кам таъминланган оилалар болаларига 338 минг сўмлик мактаб анжомлари олиб берилди. Бундан ташқари, Аёллар ийли муносабати билан шифокорларга сийхатгоҳларга 37 та бепул ва имтиёзли йўлланмалар тарқатилди. Умуман, 1025 нафар ишчи-хизматчилар республика миқёсидаги, 998 нафари эса вилоят ҳудудидаги санаторий-профилакторийларида хордик чикардилар. 1770 нафар фарзандларимиз ёғи оромгоҳларда мароқли дам олдилар. Меҳнат муҳофазасига ҳам жиддий ёндошмоқдамиз. 215 та текширув ўтказдик. Нозирлар томонидан 16 та муассасага тавсияномалар юборилди. Натижада талабга жавоб бермайдиган 6 та муассаса иши тўхтатилди. Бунга вилоят кардиология диспансери, Богот, Кўшкўпир туман шифохоналарининг кир юви хоналари, Гурлан, Хазорасп, Дўстлик шаҳар марказий касалхоналарининг дизенфекция қиладиган исчи хоналарини мисол қилиб келтирса бўлады. Ушбу камчиликларни бартараф этиш учун 1 миллион 400 минг сўм ажратилди. Шунингдек, бизга ходимлардан 57 та ёзма ва 443 та оғзаки тушган шикоятларнинг барчасига ўз вақтида зарурий чоралар кўрилди. Эл соғлиғи - юрт бойлиғи, дейди халқимиз. Буни яхши тушушган ходимларимиз бундан кейин ҳам фаолиятларини изчиллик билан давом эттираверадилар.

Бектурди МАТКАРИМОВ,  
Соғлиқни сақлаш ходимлари вилоят кўмитаси раиси.

Ошқоралик  
етишмаган  
жойда

## ДЕЛЕГАТ ЭЪТИРОФИ

Давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касаба уюшмасининг яқинда бўлиб ўтган конференциясида ана шу ҳақда гап борди. Кейинги беш йил ичида амалга оширилган ишларга баҳо берилди.

Аҳолини ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан ҳимоялаш тўғрисидаги Президент фармонлари, ҳўкуматимиз қарорлари ва кўрсатмалари касаба уюшмалари фаолиятида муҳим дастуруламал бўлмоқда. Ташкилот ва муассасаларда тузилган жамоа шартномаларида меҳнаткашлар учун бир қатор имтиёзлар яратилган. Жамоаларда ишчи-хизматчилар фарзандларининг даолишларига етарлича маблағ ажратилляпти. Шу билан бирга жамоа шартномалари ва битимлар имкониятидан тўлиғича фойдаланилмаёттир. «Мевасабзавотбанк», «Пахтабанк», «Савдогарбанк», «Галлабанк», шунингдек, Хонқа, Урганч, Хазорасп туманларидаги айрим ташкилотларда шартномалар ҳўжа-кўрсинга тузиляпти. Касаба уюшма кўмиталари раҳбарлар бундай ҳол билан муроса қилияптилар, ўзларига берилган ҳақ-хуқуқларидан фойдалана олмаёптилар.

Давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касаба уюшма кўмиталари яна шу нарсага эътибор қаратишлари лозимки, ҳар бир аъзо аъзолик гувоҳномаларига эга бўлишлари шарт. Кўмиталарда ҳисоб варақаларини юри-тиш зарур. Бундан ташқари, юқори касаба уюшмалари ташкилотлари қабул қилган муҳим қарорлар ва меъёрлий ҳўжатлар бошланғич ташкилотларга ўз вақтида етиб бормаётганлиги ачинарли ҳолдир. Қисқаси, уюшмалар фаолиятида ошқоралик етишмаяпти.

О.ЖАЛОЛОВ,  
вилоят тармоқ кўмитаси раиси.

### • Ижтимоий ҳимоя •

## ЕШЛАР НИЯТИ УЛУҒ

Демократик тамойилларнинг борган сари ҳаётимизга чуқур кириб бораётганиги ёшларга жохон андозалари асосида таълим беришни ташкил қилишни тақозо этмоқда. Бунда қонунларни яхши ўлаштириш, ҳўқуқий меъёрларни библиш, бурчга садоқат, ошқоралик муҳим аҳамият касб этади. Буни тўран аналган Урганч Давлат университетининг 301 нафар профессор-ўқитувчилари ёшларга таълим-тарбия беришда баракали меҳнат қилишмоқда. Чунки бу қадим заминда дунёга машҳур алломалар воёга етишган. Инсоният таррақийетиға нуноисиб ҳиссаларини қўйишган. Хозирги авлод аждодлар ишини давом эттиришга астойдил бел болганлар.

Дорилфунунда касаба уюшма кўмитаси туман кўмитаси мақомиға эға. Унинг таркибида 11 та бошланғич ташкилот бўлиб, 3605 нафар аъзолари бор. Шуниси эътиборлики, олий ўқув юртлари ичида биринчи бўлиб шу ерда маъмурият билан талабалар ўртасида жамоа шартномалари тузилган. Бу битимлар бандларининг бажарилишини назорат қилиш талабалар ўртасида жамоатчилик асосида иш олиб бораётган 6 та комиссия зиммасига юклатилган. Улар ташкилий-оимвий ва маънавий-маърифий ишларни; ишлаб чиқариш, иш ҳақи, меҳнатни меъёрлаштириш; ижтимоий сугурта, меҳнат муҳофазаси ҳамда низоларни; уй-жой масалаларини; савдо ва оқатланиш, спорт-соғломлаштириш тадбирларини; қарор ва ижро, молиявий аҳволини тадтиш қилиб туришди. Натижада ўз кўчларига ишониб, ташаббускорлик кенг қулоч ёймоқда. Камчилик ва нуқсонларни бартараф этишда узаро тажриба алмашиб қўл келмоқда. Шу кунгача 3 та семинар ва уч марта махсус давра сўхбатлари уюштирилди.

Соғлом танда - соғ ақл, дейдилар. Ҳўкувчи ва талабалар учун университет қошида тиббий хизмат маркази ишлаб турибди. Юз ўринли санаторий-профилакторийнинг мантазам фаолият қурсатаётганлиғи ҳам ана шундай хайрли ишларнинг давомидир. Бундан ташқари, ҳар сменда юздан зиёд дам олувчиларни қабул қила оладиган спорт-соғломлаштириш оромгоҳининг мавжудлиғи ижодий муҳитни яратишда кенг имкониятлар яратяпти.

Ҳар йили камида 1200 талаба, 150-200 нафар ўқитувчи-ҳодимлар дорилфунун санаторийсида даволанади. Соғломлаштириш оромгоҳларида 250 нафар талаба саломатликларини тиклаб қайтишди. Айтиш керакки, даволаниш муассасаларига аъло баҳоларда ўқитганлар бепул ёки имтиёзли йўлланмалар билан таъминланади. Тиббий марказ ҳулосасига қўра, айрим ўқитувчи, талаба ёки ишчи-ҳодимларга парhez таомлар бепул берилди. Шу мақсадларга уч йил давомида 22 миллион сўмликдан кўпроқ маблағ ажратилган.

Хуллас, зиёлилар манфаатини наинки ҳўқуқий жиҳатдан ҳимоя қилиш, балки уларнинг бунёдкорлик фаолиятларига ҳам имконият яратиб бериш - бундан кейин ҳам асосий вазифаларимиздан бўлиб қолаверди.

Оллоёр КАРИМОВ,  
Урганч давлат университети касаба уюшма кўмитаси раиси.

\* Вилоят бўйича ўтган йил жамоа шартномаларига биноан 1020 та ташкилотда белгиланган тадбирлар учун 1 миллиард 549 миллион 582 минг сўм сарфланди. Бу эса ўрта ҳисобда ҳар бир кишиға қўшимча 4069 сўмдан берилди, демақдир.

\* Вилоят касаба уюшмалари таркиби тармоқларида 314 та ҳиссадорлик жамияти, 35 та қўшма, 45 та жамоа корхоналари ҳамда 33 та ширкат ҳўжаликларида иборат.

\* Иқтисодий ислохотларнинг чуқурлаштирилиши натижасида кишлоқларда деҳқон-фермер ҳўжаликлари ширкат, жамоа ҳўжаликлари қаторида тобора салмоқли ўринга эға бўлиб, бу-

## ФАОЛИЯТ ОЙНАСИ

гунги кунда 1300 тани ташкил этади. Уларда 5800 дан зиёд қилиб меҳнат қилмоқда.

### • Техник нозир бонг уради •

Хива қурилиш материаллари заводи 2000 йилни катта зарар кўриш билан кутиб олмақда. Чунки у хомашё етказиб берувчи корхоналардан ҳамда солиқлар тўловидан 37 миллион сўм қарздор. Кредитор қарздорлиғи 1 миллион сўмдан ортиб кетди. Иш ҳақи бўйича бу рақам 2 миллион сўмни ташкил этади.

Меҳнат қонунларининг бузилиш ҳолларига қарши қатъий курашилмоқда. Мунтазам текширувлар ўтказиб турилиши натижасида бу соҳада бирмунча муваффақиятларга эришилди. Шу

йилнинг ўзида ўнға яқин ташкилот раҳбарларига ҳуқуқ нозирлари томонидан ёзма тақдимнома берилди. Мансабини суистеъмол қилган беш нафар мансабдор шахс катта миқдорда жаримаға тортилди.

\* Жамоа шартномаларига риоя қилмай қўйган Хонқа туманлараро молларни бурдоқиға боқиб мажмуаси раҳбарияти чорвадорларни ҳафтасига 40 соат ўрниға 56 соатдан ишлашиб, уларға қўшимча вақт ҳисобидан ҳақ тўламаган. Урганч туманидаги Қизилжар трактор саройи директори О.Урозов ҳам шундай камчиликка йўл қўйган. Касаба уюшмаларининг аралашуви билан чорвадорларға устама иш ҳақи ундириб берилди.

## КРЕДИТОР ҚАРЗ ҚАЧОНГАЧА?

Заводнинг оғир аҳволға тушиши 1997 йилдан бошланганди. Ушунда ҳиссадорлик жамиятиға айлан-тирилган эди. Дастлаб, «Ўзсаноатқурилиш» корпорацияси корхоналари томонидан заводни оёққа турғазиб ишлари бошланди. Амалий тадбирлар ишлаб чиқилди. Умумий ҳаракатлар натижасида ишлаб чиқаришни техник жиҳатдан қайта жиҳозлашға киришилди. Бироқ бу ишлар ҳам охириға етказилмади. Чунки корхона директори Ш.Иброҳимов ўз лавозимида узоқ ишламади.

1999 йил бошидан завод директорлиғиға Р.Мадаминов тайинланди. Шуниси қизиқки, у бундан олдин Хива паррандацилик фабрикасини ҳам қарздорлик ботқоғиға ботирган эди. Холбуки, янги

қилиб ишлаши мумкин бўлган мутахассис йўқ. Юк кўтариш кранлари ҳамда автокўтаргичлар буг босими остида ишлайди. Шунинг учун бу жойлар жуда нозик участка саналади. Хўш, юқоридиға ҳолат бундан кейин фожеаларни келтириб чиқармаслиғиға ким қафолат беради? Заводда кўприк крандан фойдаланиш муддати ҳам ўтган бўлиб, у яроқсиз ҳолға келиб қолган.

Буг қозонлари ҳам худди шундай аҳволда. Умуман, завод худудида иш-лашнинг ўзи бўлмаяпти. Ҳатто электр тармоқларининг жиҳозланиши ҳам техника хавфсизлиғи қоидаларига зид. Электр қувватидан фойдаланишда тегишли мутасадди шахс

ва махсус қурилмалар йўқ. Корхонанинг санитария-техник ҳолатлари талаб даражасида эмас. Шунингдек, ишчилар учун махсус санитария хоналари ажратилмаган ва жиҳозланмаган.

Меҳнат муҳофазаси тўғрисида ҳам худди шу гапларни айтиш мумкин. Хуллас, камчиликларни бартараф этиш чўзилиб кетмоқда. Бу ҳақдаги баённомалар туман прокуратурасига юборилган. Аммо, кутилган натижа-ларға тезроқ эришиш учун аввало ишчиларға моддий жиҳатдан ёрдам бериб, қонунда кўрсатилган иш-ларни амалға ошириш лозим.

Василий ВОРОБЬЁВ,  
Вилоят касаба уюшмалари Кенгаши бош техник нозир.

## КАМЧИЛИКЛАРГА МУРОСАГИЗ БЎЛАЙЛИК

Фуқароларни ижтимоий, иқтисодий, ҳўқуқий ҳимоялаш; меҳнатни муҳофаза қилиш ишларини шу кун талаби асосида ташкил этиш маданият ходимлари касаба уюшмаларининг муҳим вазифаларидан бири бўлиб қолмоқда. Бу жамоа шартномалари ва битимлари орқали рўёбға чиқариляпти. 1998 йилнинг ўзидагина бундай шартномалар 26 ташкилотда имзоланиб, унда қўзда тутилган барча имтиёзлар учун 4621,5 минг сўм маблағ сарфланди.

Маданият ходимлари ва уларнинг оила аъзо-

ларини соғломлаштириш доим диккат эътиборда. Ҳисобот даврида 369 нафар киши йўлланма билан санаторийларда даволандилар. Шундан 111 таси имтиёзли йўлланмалардир. Болалар оромгоҳлари учун 242 та йўлланма асосан кам таъминланган оилаларнинг фарзандларига берилди.

Ходимларға қулай иш ва дам олиш шароитларини яратиб бериш, маданий-маърифий, жисмоний ва спорт ишларини ташкил қилиш бўйича ҳам муайян ишлар амалға оширилди.

Қилинаётган ижобий ишлар билан бирға бошланғич ташкилотлар фаолиятида анчагина камчиликлар ҳам мавжуд. Масалан, касаба уюшма ташкилотлари жамоа шартномаларини тузиш, ишчиларни рағбатлантириш масалаларида ўзларига берилган ҳўқуқлардан тўла фойдалана олмаёптилар.

Меҳнатни муҳофаза қилиш ишлари шу куннинг талаблари даражасида эмас. «Хоразмкино-видео» ҳиссадорлик жамияти, вилоят маданий ишлар бошқармасининг айрим шахар ва туман

бўлимларида ўшбу мақсад учун етарлича маблағ ажратилмаган. Баъзи корхона, муассасаларда дам олиш, оқатланиш хоналари жиҳозланмаган. Бевоасита шу ишлар учун масъул шахслар белгиланмаган. Вилоят маданият ходимлари касаба уюшма Кенгашининг ҳисобот давридаги иш фаолиятиға назар ташласак, ҳали қилинажак ишларнинг қўлами кенг эканлигини кўраёмиз. Айниқса, «Ўзбекнаво» гастрол-концерт биразмачиси вилоят бўлими (Г.Шарипов), Хива Бешмаҳонаси (К.Отабоев), Хива туман маданият ходимлари касаба уюшма кўмиталарида ишларни янада жонлантириш керак.

Р.ҲўЖАЕВ,  
вилоят маданият ходимлари касаба уюшма кўмитаси раиси.

# ГЕРОДОТ ҲИҚМАТЛАРИ

Милоддан аввалги X асрда яшаб ижод этган машҳур юнон тарихчиси Геродот ўзидан жуда катта маданий-тарихий мерос қолдирган. Бу улкан мероснинг бир қисми бўлган аллома ҳикматлари ҳамон ўз аҳамиятини йўқотгани йўқ, аксинча, тобора жаранглироқ янграпти. Айниқса, эндигина мустақилликка эришган бизлар учун Геродот ҳикматларининг ўрнакли томонлари беҳисоб. Чунки бизни узоқ вақт тарихимиздан бенасиб қилиб, уни нотўғри талқин қилганлар.

Маънавиятимизнинг чуқур илдизлари турли баҳоналар билан ўсиб қўйилган. Истиқлол барча сарчашмаларнинг кўзини очиб, авлодларни хизмат қилиш йўлларини кўрсатмоқда. Геродотнинг мана бу ҳикмати худди биз учун айтилгандай: «Қадимдан, дейди Геродот, - одамларнинг доно ва бағоят гўзал ҳикматлари мавжуд: биз улардан ўрганмоғимиз даркор». Алломанинг бу пурҳикмат жумлалари бизлар учун ниҳоятда аҳамиятлидир.

Дунёдаги энг қадимги халқлардан ҳисобланган бизнинг ватандошларимизнинг маънавий хазинаси ниҳоятда мўл-кўлдир, сержилодир. Улар йўлимизни ёритувчи йўлчи-юлдуз вазифасини ўтайди. Алломалар-

нинг маънавий дунёси бамисли чеки-чегараси йўқ уммондир. Айни вақтда ниҳоятда ибратли ва асослидир.

Мақсадсиз одам бўлмас керак. Одам зоти борки, унинг каттаими, кичикми, ўз олдига қўйган мақсади бўлади. Аммо ана шу мақсад осонликча амалга ошмайди. Мақсаднинг амалга ошиши учун фақат ҳаракат керак. Ҳаракатлар орқали мақсадлар бўй кўрсатади. Ҳаракат натижасида одамлар зарар қўлади. Ана шундай ибратли, ҳаракатчан кишиларга омад ҳам қулиб боқаверади.

Геродотнинг ҳикмат бўстонига сайр қилинг, шунда сиз ажойиб наволар таратаётган ганжу хазинадан баҳраманд бўласиз. «Ҳаракатчан киши-

лар, - деганди аллома, - одатда, омадли бўладилар, аксинча, қиладиган ишларини ҳадеб ўйлай-верадиганлар ва суст-кашлик қиладиганларга омад камдан-кам насиб этади». Жуда ҳам тўғри фикр. Сусткашликка ландавурлик қўшилса, дангасалик мойиллик билдирса, натижаси пуч, ҳеч вақо бўлмайди. Ҳа, Геродот жанобларининг бу ўғити худди кечагина айтилгандай. Демак, бугун ҳам аҳамияти камаймаган, балки янада ибратлидир. Чинданам ҳаракатда сирасор катта, ҳислат мўл. Ҳаракатга гайрат қўшилса, шижоатнинг имкониятларидан фойдаланиса, ишга барака қиради. Ҳамма жойда, ҳаммиша ҳаракат керак. Ҳаракатсиз бирорта ишни қилиш, мақсадга етиш амримаҳол.

Турмушда зиддиятлар, қарама-қаршилиқлар доимий учраб туради. Фикр-мулоҳазаларда ҳам тортишувлар керак экан. Алло-

мана эътибор беринг, Геродот нима дейди: «Биров сenga ачингандан кўра, - деганди аллома, - ҳасад қилгани яхши». Жуда ҳам топиб айтилган ҳикмат. Аллома Геродот ҳақ, Чунки одамлар ғарибларга ачинадилар, нота-вонларга раҳм-шафқат қиладилар. Ҳасадгўйлар ютуқлардан қуяди, ичи ёнади. Истеъдодларнинг ярқ этган томонларига ҳасад қилади. Демак, ҳасадгўйлар бева-бечораларга, фақир, мискинларга, ғарибларга қуйинмас экан. Шунинг учун ҳасадгўйларнинг кўзини ёндириб «ярқираб» юрaverиш керак экан. Умуман, Геродот ҳикматлари ўқувчиларни сергаклантиради, уларни ўйга толдиради, инсониятни маънавий гўзаллаштиришда муносиб ҳисса қўшиб келмоқда.

Геродот жанобларида турли-туман ҳикматлар борки, ҳаммаси асосли, мазмунли ва ўриллидир.

Мусокул УСМОНОВ,  
профессор.

## Футбол

Осиё футбол федерациясида сўз кетганда, дастлаб Япония, Жанубий Корея, Саудия Арабистони, Эрон ва Бирлашган Араб Амирликлари тилга олинади. Кейинги пайтларда истиқлол шарофати ила бу сафга Ўзбекистон ва Қозоғистон футбол жамоалари ҳам қўшилди. Бинобарин, Осиё микёсида ўтказиладиган у ёки бу даражадаги турнирлар айнан ушбу жамоалар ўртасида кечиши одат тусига айланди. Улар ҳатто қайси команда учун қайси жамоа ноқулай эканлигини ҳам яхши билишади.

Сир эмас, бу ҳақда матбуотда ҳам кўп чиқишлар қилинди, 2000 йилги Осиё чемпионатида йўлланма берувчи навбатдаги саралаш гуруҳлари эълон қилинган, кўпгина тўпсевар шиванандалар беҳитиёр равишда «Эх, аттанг» деб юборган эдилар. Ливанга берилувчи йўлланма осонликча қўлга киритилмаслигини ҳатто миллий терма жамоамиз раҳбарлари ҳам эътироф эттирган эди. Чунки биз Жаҳон чемпионати саралаш баҳсларида бўлгани каби яна БАА жамоаси билан бир гуруҳга тушиб қолган, боз устига турнир худди шу мамлакатда бўлиб ўтиши яна бир қатор кўшимча муаммоларни келтириб чиқариши

дан ҳам ёмони, ўн бир метрлик жарима билан «сийланиш» ҳавфи ҳам йўқ эмасди. Бу гўё, агар таъбир жоиз бўлса, ўнг қўл билан уришадиган боксчига «ўнг қўлингни ишлатмайсан» деган бўлса беришдек гап эди.

Хайриятки, иккинчи бўлимда футболчиларимиз ўзларини босиб турган юқдан бироз бўлса-да халос бўлишлар чоғи, аста-секин БАА дарвозаси томон яқинлаша бордилар. Қолаверса, дуранг гуруҳ голиблиги учун етарли бўлмасачи?! Чунки, ким билади, БАА футболчилари Шри-Ланка билан сўнги учрашувни олдиндан режалаштирилган натижа-тўққиз ва ундан ортиқ фарқ билан ўз фойдаларига хал қилишлари ҳам ҳеч гап эмас эди. Жумбоқни эса Қосимов ва Шацких комбинацияси ечиб берди. Максимнинг зарб билан теган тўпи дарвозанинг чан бурчагига бориб тушди. Гол! 1:0- олдинда Ўзбекистон терма жамоаси!

Бу ҳисоб учрашув охиригача ўзгармади. Футболчиларимиз ҳақиқий сабот ва матонат кўрсатишди. Ҳай бой берилётганини ҳис қилган майдон эгаллари очикдан- очик гирромга ўтишди. Чалиб йўқитишлар, туртиб тан жароҳати етказишлар, беписанд муносабат, боз устига худди атайлаб

# БИРИНЧИ ВА ЭНГ КАТТА ҒОВ ОЛИБ ТАШЛАНДИ

Шундай бўлди ҳам. Аввалига ўйинлар жадвали БАА учун жуда қулай ва аксинча, Ўзбекистон учун ўта ноқулай тарзда тузилди. Яъни, юртдошларимиз кунора майдонга тушганлари ва табиийки, ўзларини жисмонан тиклаб олишларига имкон қолдирилмаган бир пайтда БАА футболчилари мақсад сари бемалол «шиддатли юриш» қилишлари учун барча чоралар кўриб қўйилди.



қилгандек ҳақамнинг ҳам «кўзи кўр, қулоғи кар» бўлиб олишига қарши сабр-бардosh билан жавоб қилиш юртдошларимизга қанчалар оғир бўлганлигини тасаввур этиш қийин эмас.

Футболчиларимиз шу кунги биринчи ва энг катта ғовни йўлларидан олиб ташладилар. Бу, аввало, БАА жамоасига нисбатан йиллар давомида таркиб топан ҳадик бўлса, иккинчидан, ахтилом бу энг асосий-сидир, футболчиларимизда ўзининг кўчилиги ва ҳақлигини ҳар хил кўполликка кўполлик билан эмас, ўйин билан жавоб қилишга кўнимча ҳосил бўлаётганидир. Уйлаймики, профессионал спортчиларга хос бу фазилат бундан буён ҳам уларни тарқ этмайди.

Шундай қилиб, Ўзбекистон миллий терма жамоаси ўтказилган барча учрашувларни ғалаба билан яқунлаб (Ўзбекистон-Бангладеш - 6:0, Ўзбекистон - Шри-Ланка - 6:0, Ўзбекистон - Ҳиндистон - 3:2, Ўзбекистон - БАА - 1:0) гуруҳ голиби бўлди ва келгуси йили Ливанда ўтказиладиган Осиё чемпионатида бош соврин учун бево-сита курашиш имкониятини қўлга киритди.

Учрашувни албатта ақсарият муҳлислар «зангори экран» орқали томоша қилишгани учун унинг тафсилотларига ортиқча тўхталиб ўтирмаймиз. Фақат бир нарсага эътиборингизни тортишни истардик. Биринчи тайм чиндан-да бизнинг ва мутахассисларнинг тахминлари доирасида кечди. Хужум асосан Бугало кўриқлаётган дарвоза томон бўлди. Аксига олиб легионерларимиз Максим Шацких ва Миржалол Қосимов ҳам шу кунги жароҳатларидан тўла фориг бўлмай майдонда ҳаракат қилдилар. Бундан ташқари, ҳимоячиларимиз рақибларга ниҳоятда эҳтиёткорона «муомала»да бўлдилар. Бунни тушуниш мумкин эди. Чунки арзиманган кўполлик учун ё майдондан четлатилиш, ёки бўлмаса, ун-

дундан четлатилиш, ёки бўлмаса, ун-

дундан четлатилиш, ёки бўлмаса, ун-

дундан четлатилиш, ёки бўлмаса, ун-

З.РИХСИЕВ.

## НЕГА ДЕКАБР ДЕЙМИЗ?

Йилнинг сўнги, ўн иккинчи ойи бўлмиш «декабр» лотинча «дицембер», яъни ўнинчи сўзидан олинган. Чунки декабр ойи қадимги Рим Тақвимида ўнинчи ой ҳисобланган.

Эраимиздан олдинги 46 йилда Юлий Цезарь Рим Тақвими бирмунча такомиллаштирди. Шундан кейин йилнинг бошларини биринчи мартдан биринчи январга кўчган.

Ойларнинг ўрни иккитадан сурилди. Шундай қилиб, аввал ўнинчи ўринда турган декабр ойи ўн иккинчи ўринга ўтди. Аммо номи ўзгармай, декабр бўлиб қолаверди.

## «МўҶИЗА ЮЗ БЕРДИ» МАТАДОР АЁЛ

Будапештлик Магда Хавази туғилган пайтда атиги 350 грамм тош босган ва шифокорлар унинг яшаб қолишига шубҳа билдиришган эди. Шунга қарамай, уни беш ҳафта махсус инкубаторда сақланди ва ... мўҶи-за юз берди. Ҳозир Магда 13 ёшга тўлган, бўйи 175 сантиметр, оғирлиги 82 килограммга тенг.

Испаниялик 24 яшар Кристина Сан-час олти йилдан бери коррида баҳсларида қатнашиб келяпти. Шу йиллар ичидан у нақ 400 та ҳўкиннинг «бо-шига етди». Яқинда Кристина «матадор» олий уновига сазовор бўлди. Ҳалигача биронта аёл бундай юксак даражага кўтарилмаган эди.

## СУВ ҲАРОРАТИГА БОҒЛИҚ

Қулоқ супраси одам танасининг бошқа аъзоларига нисбатан фаол нуқталарга юз баробар бой. Бу нуқталарнинг барчаси бош мия орқали тананинг ички аъзолари билан бево-сита боғланган. Шундан маълумки, одам қулоқларини ювиб-артганда бутун танасига ижобий таъсир ўтказган бўларкан. Демак, совуқ сувда қулоқни ювганда, бутун тана роҳатланади, кайфият кўтарилади, одам ўзини тетик сезади. Агар кайфиятингиз бузилиб, ишингиз юришмай қолса — қулоғингизни совуқ сувда ювинг. Чарчаб, асабларингиз таранглашса — илиқ сувга чайинг...

# «СПОРТ МОЛЛАРИ» ОЧИҚ ТУРДАГИ АКЦИОНЕРЛИК ЖАМИЯТИНИНГ 2-ЧИҚАРИЛИШ АКЦИЯ ЭМИССИЯЛАРИ ҲОЛАТИ

1998 йил 27 майда 15-14-1-1257/п рақами билан Давлат рўйхатидан ўтган. III. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1997 йил 31 мартдаги 1740-сонли Фармони асосан қўшимча акциялар чиқариш йўли (ёки эълон қилиш) билан акция пакетларининг қайта тақсимланиши тўғрисида маълумот.

3.1. Низом фонди Тошкент шаҳар Давлат мулк қўмитасининг 1998 йил 17 апрелдаги 436 кПО сонли буйруғи билан тасдиқланган.

3.2. Акционерларнинг умумий йиғилиши 1998 йил 21 апрелда қўшимча акциялар ишлаб чиқариш йўли билан акция пакетларини қайта тақсимлаш тўғрисида қарор қабул қилди.

3.3. Қўшимча акциялар чиқариш ҳажми — 243764 дона акция ёки 24376,4 минг сўмни ташкил этади.

3.4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1997 йил 31 мартдаги 1740-сонли Фармони асосан қўшимча акциялар чиқариш йўли билан акционерлик жамиятининг акция пакетларини қайта тақсимланиши қуйидаги жадвалда акс эттирилган:

	Жами		Давлат улуши		Меҳнат жамоасининг улуши		Чет эл сармоядорларининг улуши		Эриш савдода						
	сумма	соли	сумма	соли	сумма	соли	сумма	соли	сумма	соли					
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13	14	15	16
	32941,1	32941,1	100	8235,3	82353	25	8564,7	85647	26	8235,3	82353	25	7905,8	79058	24
шу жумладан, маълум қилинганлари		243764	74		82353	25				8235,3	82353	25	7905,8	79058	

\* 8235,3 минг сўмлик 82353 та қўшимча акция давлат маблағи ҳисобидан чиқарилди ва акционерлик жамияти билан ўзаро қелишууга асосан Тошкент шаҳар Давлат мулк қўмитасида жойлаштирилган.

\* 16141,1 минг сўмлик 161411 та эълон қилинган акция эмитент маблағи ҳисобидан чиқарилди ва улар эмитентларнинг ўзларида сақланаётир.

\* Барча қўшимча чиқарилган ва маълум қилинган акциялар 24376,4 минг сўмлик ёки 243764 тани ташкил этади.

3.5. Акциялар турлари бўйича қуйидагича тақсимланган:

\* Чиқарилган акцияларнинг умумий сони 32941,1 минг сўмлик, шу жумладан нақд пулсиз қилинган ҳисоб-китоблар 32941,1 тани ташкил этади.

Шулардан:

\* Ном ёзиб кўрсатилган оддий акциялар сони 325281 та ёки 32528,1 минг сўмлик;

\* Ном ёзиб кўрсатилган имтиёзли акциялар сони 4130 та ёки 413,0 минг сўмлик.

3.6. Қимматли қоғозлар тарқатилиши — чиқарилган акцияларнинг рўйхатдан ўтказилган кундан бошланган.

3.7. Қимматли қоғозлар тарқатилиш жараёни эмиссия проспекти рўйхатдан ўтказилган, бир йилдан кейин тугаган.

3.8. Дивидентлар йилига бир марта берилади. Бу муддат акционерларга умумий йиғилишининг қарорига мувофиқ ўзгартирилиши мумкин. Имтиёзли акцияларга номинал қийматнинг 20 фоиздан кам бўлмаган миқдоридан (бундан миқдор акционерларнинг умумий йиғилиши қарорига мувофиқ қайта қўрилиши мумкин) дивидентлар тўланади. Дивидент тўғрисидаги маълумотларни маълум қилиш, акционерларни (1 июндан кечиктирмай) рўйхатдан ўтказиш ва дивидентларни (15 июндан кечиктирмай) тўлаш вақти акционерларнинг умумий йиғилиши томонидан белгиланади.

## «Спорт моллари» ОТАЖНИНГ 1999 ЙИЛ 1 ЯНВАРГАЧА МУВОЗАНАТИ (БАЛАНСИ)

Тармоқлар	Актив	Пассив
Низом маблағи		32617
Заҳира фонди		2370
Қўшимча маблағ		4205
Мақсадли маблағ билан таъминлаш		12347
Бўлинимас даромад		118
Ассий ва бошқа айланма маблағлар	14496	
Заҳира ва ҳаражатлар	33933	
Девитор ва кредиторлар билан ҳисоб-китоблар	678	13115
Пул маблағлари	10627	
Муассислар билан ҳисоб-китоблар	16141	
Қилинмаж ҳаражатлар ва туловлар заҳираси		11103
	75875	75875



Алпомиш авлодисиз,  
Мардона лочинимсиз.

Дунёга қилгум кўз-кўз,  
Бетимсол Барчинимсиз.

## БЕБАҶО ЯШИЛ БОЙЛИК

Олимпларнинг ҳисоб-китобларига қараганда, Ўзбекистон наботот оламида жами 4500 тур ўсимлик мавжуд бўлиб, улар турли-туман экологик шароитларда ўсади. Шулардан 700 турдан ортиғи шифобахш гиёҳлар эканлиги аниқланган.

Аммо, шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, қолган ўсимлик турларининг дори-дармонлик хусусиятлари тўлиқ ўрганилмаган. Умуман олганда, барча ўсимлик турлари фойдали бўлиб, улар табиат мувозанатини ушлаб туради. Бинобарин, бу яшил бойлик биологик фаол моддаларга бой бўлиб, инсон танасини соғломлаштирувчи қўлга эгадир.

Газетанинг навбатдаги сони 3 декабрда чиқади.

**ISHONCH**  
МУАССИС:  
Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси

Бош муҳаррир  
Мирғиёс ҚАЮМОВ  
Тахрир хайъати:  
Ж.Алимхўжаева, М.Одилова, Э.Воҳидов, С.Остонов, М.Расулов, Э.Ёкубов, В.Зверев (бош муҳаррир ўринбосари- «Ишонч-Доверие»), А.Алламуродов (масъул котиб- «Ишонч»), Ч.Латипов, М.Олимов, М.Содиқов, Н.Рафиқов.

ТЕЛЕФОНЛАР:  
Котибият 56-52-78,  
136-58-45; Хатлар бўлими  
56-85-43; Реклама, эълонлар бўлими 56-87-73

Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган

Маъмурий: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи: 133; 134  
Газетага 1998 йил 11 июлда Ўзбекистон Давлат Матбуот қўмитаси томонидан 00005 рақамли гувоҳнома берилган. IBM компьютерда терилди ва сақланган. Офсет усулида берилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Соғушда эркин нарҳда.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни Босма хонаси, Қорхона манзили: «Буюқ Турон» кўчаси, 41-уй. Босишга топшириш вақти - 21.00 Топширишда 21.30